

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

280 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2262-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ–2270-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2011 йил 9 августдаги 47, 2011-25 ва 23/2-сон қарори (рўйхат рақами 2262, 2011 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 383-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
39-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
2015-16-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
320-В-3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг
2015 йил 7 майдаги 39, 2015-16,
320-В-3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларни тўланишини ва
юридик шахсларнинг давлат ижтимоий сўғуртаси харажатлари
бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ягона ижтимоий тўловни тўлаш учун маблағлар тўловчилар томонидан тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи банкларда очилган 20205 баланс ҳисобварағининг қуйидаги шартли ҳисобварақлар рақамларига (кейинги ўринларда ШХР деб юритилади) ўтказилади:

600 — фермер хўжаликлари учун;

700 — микрофирмалар ва кичик корхоналар учун;

777 — мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўзда тутилмаган бошқа тўловчилар учун.»

2. 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «777 ШХРга» деган сўзлар «600, 700 ва 777 ШХРга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«а» кичик банддаги «881 ШХРга» деган сўзлар «601, 701 ва 881 ШХРга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «779 ШХРга» деган сўзлар «602, 702 ва 779 ШХРга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «780 ШХРга» деган сўзлар «603, 703 ва 780 ШХРга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банддаги «777 ШХР» деган сўзлар «600, 700 ва 777 ШХР» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига асосан тайинланган пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

юридик шахслар Пенсия жамғармасининг харажатларини қоплашга зарур бўлган суммаларнинг минимал миқдорини ҳар йили ҳисобот йилининг 15 январига қадар ўтказадилар;

юридик шахслар томонидан ходим Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунига қадар Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга кетган олдинги йил учун Пенсия жамғармасининг ҳақиқий харажатларини тўлиқ қоплаш, Пенсия жамғармасига ўтказилган қоплашга зарур бўлган суммаларнинг минимал миқ-

дорини чегириб қолган ҳолда, ҳисобот йилининг 1 февралига қадар амалга оширилади.

Юридик шахслар ҳисоб-китобни мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот йилининг 1 февралидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига тақдим этади.

Юридик шахслар томонидан Пенсия жамғармасига ўтказилган қоплаш-зарур бўлган суммаларнинг минимал миқдорини чегириб қолган ҳолда аниқланган Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлашга кетган олдинги йил учун Пенсия жамғармасининг ҳақиқий харажатларини қопланиши лозим бўлган сумма ҳисоб-китобнинг 041 қаторида кўрсатилади.

Қонуннинг 12-моддаси «в» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплаш мазкур бандда кўрсатилган тартибда амалга оширилади.».

5. 11-банднинг рус тилидаги матнида «социального обеспечения» деган сўзлар «социальной защиты населения» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлашга бўлган харажатларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Маблағлар тўлови ҳар ойда, кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.».

7. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш ҳисоб-китоблари туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органига ўсиб боровчи яқун бўйича, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда юридик шахслар томонидан ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

Маблағлар тўлови ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади.».

8. 19-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Юридик шахслар кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмасдан юридик шахс солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларига юридик шахслар харажатларини тўлашга Пенсия жамғармасидан маблағларни олиш учун ойлик талабномаларни мазкур Низомнинг 4-иловасидаги шакл бўйича (кейинги ўринларда — талабнома деб юритилади) тақдим этадилар. Тугалланмаган бухгалтерия балансига эга ташкилотлар бўйича талабномалар бош ташкилотлар томонидан улар солиқ

ҳисобига қўйилган жойдаги Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлим-ларига тақдим этади.».

9. 29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари белгиланган тартибда ўзларининг юқори турувчи органларига чораклик ҳисоботлар тақдим этади-лар.

Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмалари белгиланган тартибда Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратига ойлик йиғма ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этадилар.».

10. 1 ва 3-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига му-вофиқ таҳрирда баён этилсин.

11. 4, 4г ва 5-иловалардаги «18» рақами «25» рақами билан ўзгартирил-син.

12. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшма-лари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. АБДУҲАКИМОВ

2015 йил 7 май

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2015 йил 7 май

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик
шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси
харажатлари бўйича тўловларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик
шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси
харажатлари бўйича тўловларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТИР 01 -варақХужжат тури / Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти
тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича
маблағ тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг
тўлиқ номи _____Ишловчилар сони Киши Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Юридик манзили _____

Почта манзили _____

Юқори ташкилот _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк реквизитлари _____

Телефон: код рақам Ўлчов бирлиги сўмҲисоб-китобни тақдим этиш муддати
(кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади

(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:		Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади	
Раҳбар		Ушбу ҳисоб-китоб	
СТИР	<input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	
Ф.И.О.	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда	<input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Имзо	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта
Бош бухгалтер			орқали орқали
СТИР	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
Ф.И.О.	<input type="text"/>	Тақдим	<input type="text"/>
Имзо	<input type="text"/>	этилган сана	<input type="text"/> (кун/ой/йил)
Сана	<input type="text"/>	Ф.И.О.	<input type="text"/>
	<input type="text"/> (кун/ой/йил)	Имзо	<input type="text"/>

М.Ў.

СТИР

-варақ

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш бўйича
ҲИСОБ-КИТОБ**

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Йиллик сумма
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандлари бўйича тайинланган пенсияларни олдинги йил учун тўлашга ҳисобланган харажатларни қоплаш суммаси	010	сўм	
Ўтказилиши лозим бўлган минимал сумма (ҳисоб-китобнинг 023-сатри x 0,03 x 0,6)	020	сўм	
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларида назарда тутилган ишчи ўринлар сони	021	бирлик	
Олдинги йилдаги маълумотлар бўйича кўрсатилган ишларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони	022	бирлик	
«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «б» — «ж» бандларида назарда тутилган ишчи ўринларида банд бўлган барча ходимларга тўланган йиллик иш ҳақи суммаси	023	сўм	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган	030	сўм	
Лозим:	040	сўм	
қўшимча тўланиши**	041	сўм	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Йиллик сумма
камайтирилиши	042	сўм	

* Ҳисобот йилида бир мартаба, 20__ йилнинг 1 февралига қадар тақдим этилади.

** Ижобий фарқ мавжуд бўлганда тўлдирилади.

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

М.Ў.».

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик
шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси
харажатлари бўйича тўловларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларни тўланишини ва юридик
шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси
харажатлари бўйича тўловларни амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

СТИР

-варақ

Хужжат тури / Ҳисобот даври: чорақ Ҳисобот йили:

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия
таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ
меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича
тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш
бўйича маблағ тўлаган тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг
тўлиқ номи _____

Ишловчилар сони киши

Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Юридик манзили _____
Почта манзили _____
Юқори ташкилот _____
Хизмат кўрсатувчи банк _____
Банк реквизитлари _____

Телефон: код рақам

Ўлчов бирлиги сўм

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати
(кун/ой/йил)

_____ га тақдим этилади
(солиқ ҳисобга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органи)

Мазкур ҳисоб-китобда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.О. _____ Имзо _____ Бош бухгалтер СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.О. _____ Имзо _____ Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кун/ой/йил)	Ушбу ҳисоб-китоб (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали <input type="checkbox"/> орқали <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> варақда тақдим этилди Тақдим <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> этилган сана (кун/ой/йил) Ф.И.О. _____ Имзо _____

М.Ў.

СТИР

-варақ

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича тайинланган пенсиялар тўлови харажатларини қоплаш учун тўланган маблағ бўйича ҲИСОБ-КИТОБ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўсиб борувчи яқун билан
Меҳнатда майибланганлик ёки касб касалликлари бўйича тайинланган ногиронлик пенсияларини тўлашга ҳисобланган харажатларни қоплаш суммаси	010	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган	020	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилиши лозим бўлган қопланиш суммаси	030	

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.».